

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ



Кўшимча материаллар учун

Активация Windows

# КОНСТИТУЦИЯНИ ЯНГИЛАШГА ЗАРУРАТ

Мамлакатимиз катта давлатга айланаётганлиги, аҳолимиз 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши, уларнинг ярмидан кўпи ёшлар бўлиши ва уларга муносиб шароит яратишда қуйидагилар кераклиги:

- БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЁТ
- САМАРАЛИ БОШҚАРУВ
- ХАВФСИЗ ДАВЛАТ
- ИЖТИМОИЙ КАФОЛАТЛАР

Булар ва бошқа кўпдан-кўп муаммолар ечими мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворни – Ўзбекистоннинг янгиланаётган Конституциясини тақозо этади.

# ХАЛҚ КОНСТИТУЦИЯСИ

Конституция матни олимлар ёки мутахассислар томонидан кабинетларда ёзилмади. Балки, аввал халқимизнинг фикри, таклифлари 2 босқичда ўрганилди, шундан сўнг Конституция лойиҳаси тайёрланди.
Авваллари Конституция қабул қилишда дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига қўйилган.

Янгиланаётган Конституция тараққий этган давлат – Янги Ўзбекистон қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни жипслаштиради.



## Биринчи босқичда

60 мингдан зиёд таклифлар

Ушбу таклифларнинг ҳар тўрттасидан биттаси Конституция лойиҳасидан жой олди.



## Иккинчи босқичда

150 мингдан ортиқ таклифлар

Оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орқали лойиҳа билан 5 миллион аҳолимиз танишиб чиқди.



## Шу билан бирга

10 мингта қўшимча таклиф

Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва 190 дан ортиқ давлатлар тажрибаси ўрганилди, лойиҳа 6 турдаги экспертизадан ўтказилди.

Активация Windows


ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ
4
КОНСТИТУЦИЯ
ЭСКИ
ЯНГИ
Моддалар сони
128 та
155 та
Нормалар сони
275 та
434 та
Асосий қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгиланди.

# ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ



**Ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди.**

Ҳар бир фуқаро, айниқса ёш оилаларнинг ўз хонадонига эга бўлиши, ижтимоий барқарорлик ва ҳаётдан розилик даражасини оширади.



**Ҳеч ким уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас.**

Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни олдиндан ва тенг қийматда қопланиши таъминланиши кафолатланди.



**Кафолатланган ҳажмда давлат ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатилади.**

Аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайтирилди. Бу оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.



**Ҳар ким қулай атроф-муҳитга эга бўлади.**

Аҳолимиз ва келажак авлод учун қулай ва экологик тоза ҳудудни сақлаб қолиш учун конституциявий кафолатлар яратилди.

Активация Windows

# ЎЗБЕКИСТОН – ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТ



**Таълимга эътибор ва кафолатлар кенгайтирилди.**

Таълим ва илм-фанга оид нормалар карийб 2 баробарга ошди.



**Давлат олийгохларида давлат хисобидан ўқиш белгиланди.**

Грантлар сони 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етди. Шундан, магистратура учун 5 баравар кўпайди.



**Бепул бошланғич профессионал таълим берилди.**

Бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим кафолатланди.



**Инклюзив таълим Конституцияга киритилди.**

Ногиронлиги бор болаларга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитлар яратилди.